

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 май куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан биридир. Кейинги йилларда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан янгилашиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чуст туманидаги "Барака мева саноат сервис" масъуляти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

умумий қиймати 9,6 миллиард сўм бўлиб, йилига ўртача 4 минг 600 тонна ёнғоқ етиштирилади. Ёнғоқлар тўлиқ ҳосилга кирса, бир йилда 40,2 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин, унинг 70 фоизи экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзига 2018-2019 йилларда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачиликни йўлга қўйиш, томорқачиликни янада ривожлантириш, иссиқхонада аймон етиштириш, тутзорлар ташкил этиш, оғир ҳудудлардаги майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, пахтадан бўшаган ерларга турли экинлар экиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, вилоят экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ёнғоқзорларни кўпайтириш, балиқчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, картошка уруғчилигини ривожлантириш бўйича мутахассисларга топшириқлар берди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақдирини таъминлаш бўлиб, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 29 апрель – 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг учинчи куни олий мартабали меҳмон Бухоро вилоятига келди.

Бухоро халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бухоро вилоятида ўшбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга

халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустақам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни "ота юрт", деб эъзозлайди. Қардош турк халқининг диёримиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Ўзбекистон заминидан туғилиб ўсган, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни Туркияда яхши билнади ва қадрлашади. Бутун му-

сулмон оламида машҳур аллома, нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Улуғ аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди. Олий мартабали меҳмонга тариқат асосчисининг ҳаёти, ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларида мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## MUNOSABAT

# ТИНЧЛИКСЕВАР МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Ҳаво тунд бўлиб, кўкни гўбдор қопласа, момом: "Қаердадир уруш бўлаётми", — дерди маҳзунлик ила. Биз эса дунёбебахар момонинг бу гапига қулардик.

Ўзимизча, қўлоғи оғир, уйдан бир қадам нари чиқмайдиган кекса аёл нимани ҳам билади, деб уйларидак-да!

Вақт ўтиб момонинг ёшлиги Иккинчи жаҳон урушига тўғри келгани, у кишининг отаси ва акалари фронтдан қайтмаганини билдим. Англадимки, момонинг ёшлик хотирасида гўбдорли осмон сақлаб қолган экан. Шу ҳақида уйлаганимда мусаффо осмон деган иборанинг маъноси чакқандай бўлди.

Дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан яралмайди. Оддий чечак униши учун ҳам сув, ҳаво, тупроқ ва қўёш нури зарур. Ҳудди шу каби бутунги дориланон кунлар бадалли ҳам қиммат. Бу кунга етиш йулида ажодларимиз бошидан не кўргүликлар ўтмаган дейсиз. Биз, ёшлар эса, бунини доим ҳам ҳис этмаётимиз...

Синовларда тобланган нуронийларнинг ҳаётини сабоғига зарурат сезамиз. Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун шу кунларда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаоллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олмақда. Бу учрашувдан нуронийлар дили ёришиб, эътибор ва ғамхўрлик учун ҳукумати-мизга миннатдорлик билдирапти. Йўқлаб келган ўғил-қизларга ҳаётини ҳикматлардан сўзлаб,

насиҳат қилиб, уларга оқ фотиҳа бермоқда. Ўз навбатида, ёшлар "Тинчлик", "Мустақиллик" каби тушунчаларнинг чин моҳиятини яна бир бор англади. Шундай нурафшон кунларга шукроналик қилиб яшаш кераклигини ҳис этди. Икки авлод учрашувидан нуронийлар қанчалик мамнун бўлса, ёшлар учун икки ҳисса кўпроқ наф келтирувчи ибрат мактаби бўлди.

\*\*\*

Шу кунларда Президентимизнинг уруш даврида 14 нафар болани тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмадовлар оиласига бағишланган Халқлар дўстлиги номи ёдгорлик ансамблини пойтахтимиз марказидаги майдонга қайта ўрнатилиши ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги кўчага Шоаҳмадовлар, метро бекети, "Истиқлол" санъат саройи ва унинг ёнидаги майдонга "Халқлар дўстлиги" номини қайтариш ҳақидаги тақдир қўп миллатли халқимиз қалбидagi истак ифодаси бўлади. Негаки, Шоаҳмадовлар оиласи, ҳеч муболағасиз, нафақат миллатимиз, балки умуминсоният қаҳрамонидир!

\*\*\*

Ҳамкасбим Лобар дафтарадаги битикларни компьютерга кўчираётиб йиғлаб юборди. Сабабини сўрадим. Саволимга жавоб бермади. Қўли билан ҳаммаси жойида эканига ишора қилди. Маълум муддат ўтиб, монитордаги ёзувни кўрсатиб: "Ўқиб кўринг", — деди. Бу Лобарнинг бувиси Ўриной момонинг кундалиги эди. Уни мутолаа қилар эканман, беихтиёр кўзим ёшланди.

Боборавшан ҲОЗИДИНОВ

## YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# ЭЪТИБОР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида "Уюлмаган ёшлар билан ишлаш ҳафталиги"га старт берилди



Вақтинча ишсиз тенгдошларимизнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳа доирасида давра суҳбатлари, спорт мусобақалари, турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Мутасаддилар уйма-уй юриб, мавжуд муаммоларни ҳам ўрганмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## СОЛИҚ МАВЗУСИГА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ

Урганч шаҳрида  
"Солиқ билимлари — болаларга"  
қуриқ-танловининг Ҳоразм  
вилояти босқичи бўлиб ўтди

Иштирокчилар тўрт йўналиш бўйича беллашди. Туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 70 нафар ёш ижодий ишларида юртимиз солиқ сиёсатининг аҳамияти, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларини кўрсатиб берди.

Натижаларга кўра, урганчлик Гузал Реймбердиева "Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири" йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Хонқалик Широной Жаббо-

рованинг "Баҳор кунларининг биринчи ҳафталиги" ҳикояси ҳам ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Иншо йўналишида Урганч ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гулҳайё Ўринованинг ижодий иши энг яхши деб топилган бўлса, Садоқат Абдулаева "Солиқлар нимага туланади ва сарфланади?" мавзусидаги тақдироти учун ғолиб бўлди.

Сумбулой  
НУРМЕТОВА

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРДИ

"Ҳуқуқ билимдонлари" республика танловининг  
Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди



Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши, Халқ таълими ва Адлия бошқармалари ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳада куйи босқичда ғолиб бўлган жамоалар ҳуқуқий билимдонлик, тест синови, саҳна

кўриниши шартлари бўйича беллашди. Шу аснода ўқувчиларнинг танловга пухта тайёргарлик кўргани яққол сезилиб турди. Якуний натижага кўра, Андижон туманидаги 18-умумтаълим мактабининг

"Фемида" жамоаси 1-ўринни эгаллаб, финалга йўлланма олди. Кучли учликдан ўрин олган иштирокчилар диплом ва эсадлик совғалар билан тақдирланди.

Равшана ҚҮРЯЗОВА



ЖАВЛОН УРАР  
ҚИЗУ ЙИГИТЛАР

3



«ЗАМОНАВИЙ»  
НИЛУФАРЛАР

4

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг алоҳида ўрни бор.

Президентимизга Наманган шаҳридаги "Орузу" кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди.

Саноат зонасининг ҳудуди салкам ўн гектарни ташкил этади. Бу ерда энгил саноат, озиқ-овқат, тиббий техника, полиграфия, полиэтилен пакетлар ва плёнкалар, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришга оид умумий қиймати 142 миллион сўмдан зиёд 22 лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилгач, йилга 82,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 4 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Жорий йилнинг май ойи охиригача тиквчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Порлоқ текстиль либослари", "Нуробод сифат текстиль", "Улуғ-Б", "Босир текстиль сервис" масъулияти чекланган жамиятлари фаолият бошлайди.

Саноат зонасининг замонавий коммуникация тармоқлари ва инфраструктура объектларига яқин ҳудудда ташкил этилган корхоналарни келгусида энергия ва бошқа ресурслар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратди. Лойиҳаларда замонавий, энергия тежамкор чет эл технологияларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, хом ашё этики бериш ва маҳсулотини сотишга қўмақлаш буйича мутасаддиларга топшириқлар берибди. Хорижий технологияларни олиб келиш учун маблағ ажратиш, экспорт-

ни кенгайтириш учун корхоналарга халқаро мақом бериш зарурлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрида энгил саноатни ривожлантириш, хусусан, "Юксалиш", "Орузу", "Пахталикўл", "Хонобод", "Саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар, Катта Фарғона каналининг Учқўрғон тумани ҳудудида ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қурилиши, "Водий нефтьгаз энергия" корхонасида ишлаб чиқарилган газ тармоғи хавфсизлигини таъминлайдиган инновацион қурилма тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги "Беш сада" фермер хўжалиги шийпонидан Наманган вилояти фермерлари билан мулоқот қилди.

"Беш сада" фермер хўжалиги 2004 йил ташкил этилган. Доимжон Шарипов раҳбарлигидаги хўжалик ишчилари жорий йилда 27 гектарда галла, 21 гектардан зиёд майлонда гўза парваришламоқда.

Маблумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йил декабрь ойининг иккинчи ярмида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан 2017 йил 9 декабрь кунини ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни "қўшқатор" ва "олтиншилик" схемалар асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган "тўқсонлик" схемадан босқичма-босқич воз кечиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ҳозирги кунда корхона вилоят фермер хўжалиқлари мазкур кўрсатмалар асосида гўза парваришини замонавий технологиялар асосида йўлга қўйган.

"Беш сада" фермер хўжалиги ҳам гўзани "қўшқатор" схемаси асосида экишни жорий этади. Бунинг натижа-сида 1 гектар ерга қўшимча 35 минг дона чигит қадалиб, ҳосилдорликни 40 центнергача ошириш имкони пайдо бўлди. Галла ҳосилдорлиги 80 центнерга чиқарилиб, олинмаган соф фойда 35 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қилинаётган ишлар ҳали кўпчилигини таъкидлади.

— Барча сайёҳаракатларимиздан асосий мақсад халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишонтиришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Миришкорлар Президентимизга фермерлар учун яратилган шароит ва имкониятлар, давлат томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Учқўрғон туманидаги "Uztex Uchkurgan" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ўтган йил ноябрь ойида Uztex гуруҳи таркибида замонавий типдаги тўқимачилик мажмуаси фаолият бошлаган эди. Натижада бу ерда 1 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Корхона йилга 12 минг тонна калава-ип ва 3 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари топширигига биноан пахта 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди. Ҳозирги кунда корхонага ёндаш ҳудудда пахта 100 фоиз ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

тайёр текстиль ишлаб чиқариладиган қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Муҳими, яна қўлаб янги иш ўринлари яратилади. Технологик жараёнларга Европа давлатларидан келтириладиган ускуналар жалб этилади. Бу маҳаллий пахта хом ашёсини қайта ишлаш сифатини ва экспорт қўламини оширишга хизмат қилиши қайд этилди. Давлатимиз раҳбари корхона иш жараёнини кўздан кечириб, пахта тўқимачилик кластерини ташкил этиш борасидаги ишлар билан қизиқди.

Бу йил туманда 10 минг гектарга яқин ер майдони кластер усулида пахта етиштириш учун ажратилди. "Текстиль финанс Наманган" корхонаси томонидан хориждан экиш техникалари, култываторлар, тракторлар, пахта териш ва уни қалқоқлаш комбайни сотиб олинди.

Президентимиз корхона мутасаддиларига пахтага сунбий толани аралаштириб, маҳсулот ҳажми ва иш жойини, пировадилда бюджетга солиқ тушумини кўпайтириш буйича аниқ кўрсатмалар берибди. Шунингдек, айланма маблағларни ошириш ҳисобига тумандаги кам таъминланган оилаларга туҳум ва товухни лизингга бериш кераклигини таъкидлади.

— Кам таъминланган оилаларга қўмақ бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш "Uztex Uchkurgan" корхонасининг брэндига айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу орқали аҳолининг муҳтож қатламини ишлашга, яхши яшашга ўргатамиз, ҳаётга бўлган ишончини оширамиз.

Туманда кластер тизимида чигит экишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнини сифатли ташкил этиш, 2 та янги боғча қуриш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу кунини Норин тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббий соҳаларни такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

# ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўтган йили мажмуа ҳудудида Президент ташаббуси билан Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади. Туркия Президентига Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли ушбу мадраса тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш, илм-фан ва динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аломалар меросини чуқур ўрганиш буйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон буюк аломаларга бешик бўлган мўқаддас замин экани, халқимиз тарихи, бой маънавий меросига гоъят ҳурмат билан қарашини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳидаги Бухоро шаҳридаги Арк кўрғонини томоша қилди.

Азалдан Фарб билан Шарқни боғлаган буюк йўлнинг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро бой ва шонли

тарихга эга. Ушбу тарих халқимизнинг ўтмишидаги турмуш тарзи, бунёдкорлиги, хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик берибди. Арк кўрғонинида жойлашган вилоят ўлкашунослик музейида намойиш этилаётган минглаб экспонатлар, археологик буюмлар ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади.

Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан танишиб, бу ердаги ноёб осори-атикаларни кўздан кечириб, музей кўриқхона ҳудудидаги жомеъ масжидида бўлди.

Кўрғон марказида сақланиб қолган қабулхона — маросимхонада вилоят санъаткорлари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи миллий куй-қўшиқлар янгради.

Президентлар Арк кўрғони яқинидаги Пойи Калон мажмуасида ҳам бўлдилар.

Бухоро заминининг ҳар қаричи тарих. Қадимий обидалар аждодаларимизнинг буюк яратувчилик даҳоси ва маънавий қудратидан сўзлайди. XII ва XVI асрлар ораллигида бунёд этилган Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ўзининг бетакрор меъморий ечим, маҳобати ва жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Минораи Калон архитектуранинг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро бой ва шонли

биридир. У қарийб 900 йил давомида не-не талотўпларга гувоҳ бўлган. Халқимиз қураётганин ўлмас рамзи сифатида бугун ҳам барчани ҳайратга солаётир.

Мир Араб мадрасасида ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасасида фаолият юритаётган ўрта махсус ислом билим юрти ўз вақтида собиқ шўро давлати ҳудудидаги ягона ислом таълим муассасаси бўлган. Ҳозирги пайтда бу ерда ёшларимиз диний ва дунёвий билимларини, хорижий тилларни пухта ўзлаштирмоқда.

Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида зардушлик, заргарлик, гилламузлик, каштачилик, кулолчилик маҳсулотлари кўрғамаси билан танишди.

Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етади.

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Матназар ЭМУРОДОВ,  
Эркин ЁДГОРОВ,  
ЎЗА махсус муҳбирлари

# ЭЪТИБОР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳафталик доирасида Иттифоқнинг **Хоразм** вилояти кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга доир давра суҳбати ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси мутасаддилари, имом-хатиблар наврасталарга керакли тавсиялар берди.

Икки юз нафардан зиёд йигит-қизнинг ўй-истаклари инобатга олиниб, аксарият мурожаатлар жойида ҳал этилди.

Хива туманидаги 70 нафар уюшмаган ёш учун эса, "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонасига саёҳат уюштирилди.

Қолаверса, Қўшқўпир туманида ёшлар муаммоларини ўрганиш юзасидан суровнома, Урганч шаҳрида Ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув-семинари ташкил этилди.

**Бухоро** вилоятида ҳам уюшмаган ёшларга эътибор кучайди. Айни вақтда ёшлар ташкилоти мутасаддилари мазкур қатламнинг ижтимоий аҳволини ўрганипти. Ишчиларнинг бандлиги имкон қадар таъминланиб, ёрдамга муҳтож оилаларга қўмақ берилмоқда.

Вобкент туманининг "Розмоз" маҳалласида истиқомат қилаётган Шавкат Исроилов анчадан буён иш тополмаётгани. Устига-устак, онаси ҳам II гуруҳ ногирони. Йигит билан суҳбатлашгач, ишчи гуруҳи аъзолари унга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун "Халқ банки" туман филиалидан имтиёзли кредит олишга қўмақлашадиган бўлди.

Волидасига эса, дори-дармон воситалари етказиб берилди. Унинг кадастр ҳужжатлари ҳам расмийлаштириб бериладиган бўлди. Шунингдек, "Сарносиё" маҳалласида яшовчи Зарина Сирожиёва касаначи сифатида ишга жойлаштирилди.



Иттифоқнинг **Оҳангарон** тумани кенгаши ҳафталик доирасида Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази бўлими билан ҳамкорликда "Бизнес саёҳат" лойиҳасини амалга оширди. Унга элик нафардан зиёд ёш жалб этилди.

Йигит-қизлар тумандаги бир қанча тўқимачилик корхоналари фаолияти билан танишди.

— Саёҳат давомида уларнинг соҳага қизиқиши ортиб, билими мустаҳкамланди, — дейди масъуллардан бири Абдулазиз Исмаилов. — Келгусида бундай лойиҳаларни тизимли асосда йўлга қўймоқчимиз.

**Самарқанд** вилоятида 47 нафар ёш иш билан таъминланди. 172 нафар йигит-қиз эса, қизиқишига қараб, турли тўғаракларга жалб қилинди. Лойиҳа давомида маданий тадбирлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда.

Масалан, Пайариқ туманида уюшмаган ёшлар ўртасида стол

тенниси ҳамда шахмат мусобақаси ташкил этилди. Ҳалилар Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Юз нафарга яқин ўғил-қиз касб-ҳунар, илм-фан тўғаракларига аъзо қилинди. Жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг эса, уйда таълим олишига шароит яратилди.

Самарқанд шаҳридаги марказий ҳарбий округга уюштирилган эскурсия ёшларда ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини янада кучайтирди. Ҳарбийлар билан мулоқот уларнинг соҳага ҳавасини янада оширди. Айниқса, ҳарбий оркестр тақдим этган концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Шунингдек, ҳафталик давомида уюшмаган ёшлар учун Самарқанднинг диққатга сазовор жойларига саёҳат ташкил этилди.

**Жавлон ВАФОЕВ,  
Санжар ЭШМУРОДОВ**  
тайёрлади.



## XALQARO PRESS-KLUBDA

# БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИ

**Президентимиз томонидан имзоланган ва ҳаётга жадал татбиқ этилаётган барча фармон ва қарорларни халқимиз катта қувонч, зўр ишонч билан қабул қилмоқда. Улар замирида халқчи ислохотларнинг амалий ифодаси намоеён. 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилан турар жойларга нисбатан мўлк ҳуқуқини эътироф этиш буйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Президент фармони ҳам ниҳоятда долзарб ва бир неча йиллардан буён ечимини кутаётган муҳим ижтимоий масалага оқилона ёндашув бўлди.**

Халқаро пресс-клуб сессиясида мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги масъул ходимлари, маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Таъкидландики, мамлакатда аҳолига, биринчи навбата, қишлоқ жойларида муносиб ўй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилди. Хусусан, 2009-2017 йиллар давомида 81 минг 992 ўй қурилди, 6 минг 624 ўй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфраструктуралари ўтказилиши таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар буйича арзон ўй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзида қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қўлай шарт-шароитга эга бўлган ўй барпо этилди. Ўз навбатида, фуқароларнинг қўнунчилигида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яқка тартибда ўй-жой қуриш ҳуқуқи кафолатланган.

Сир эмас, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мўлк фондининг ялпи хатлови яқка тартибда ўй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қўнунчиликни таъминлаш масалаларида тизимли хатолар ва жидаий камчиликларга йўл

қўйилганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ўй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қўнуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамастан, минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчилик билан эгалик олинган ер участкаларида яқка тартибда ўй-жойларни ноқўнуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлди. Шунингдек, фуқароларга ер участкаларини ўй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқўнуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг тил бириктириши буйича қўлаб ҳолатлар мавжуд.

Натижада ушбу муаммо бутун республика буйича оммавий тус олди ва ўй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мўлк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Яқин вақт мобайнида фуқаролардан ўй-жой мўлкига кадастр ҳужжатларини беришни сўраб Президент Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган.

Президентимизнинг юқорида қайд

этилган фармони билан фуқароларнинг ўзбошимчилик билан эгалик олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан қуриган турар жойларга нисбатан мўлк ҳуқуқини эътироф этиш буйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Унга қўра, 2019 йил 1 майгача мазкур фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан қуриган турар жойга, яъни ўзбошимчилик билан қуриган иморатга нисбатан мўлк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мўлки каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик этилаётган шахсга нисбатан тақдим этилади.

Бунда ер участкаси унга қўнун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаганиги, ўзбошимчилик билан қуриган иморат шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари талабларини бузмаётгани бош мезон сифатида қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этиладиган Кўчмас мўлкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш буйича комиссиянинг тақдиминосига қўра, туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан амалга оширилади. Бу жараёнда фуқаролар энг кам иш ҳақининг бер баравари миқдоридан бир марталик йнғим тўлаши керак бўлади.


Фармонда бир марталик акциянинг амал қилиш муддати туғалгунга қадар судларга ўзбошимчилик билан қуриган иморатларни бузиб ташлаш буйича даъво кiritиш тўхтайтиб турилиши қайд этилган. Қўнун ҳужжатларига асосан турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ер участкасида (участканинг бир қисмида) қуриган объектлар бундан мустасно экани кўрсатилган.

Табридан бу борадаги жараён билан боғлиқ мезонлар ҳақидаги саволларга жавоб берилди. Тошкент вилояти фуқароларининг фармонга муносабати акс этган лавҳа намойиш этилди.

**Улуғбек АСРОПОВ,  
ЎЗА муҳбири**

## BUNYODKORLIK

# ЖАВЛОН УРАР ҚИЗУ ЙИГИТЛАР



Ота-боболардан қолган эзгу анъана — ҳашар йўли билан юртини обод этишга наинки йигитлар, балки қизларнинг ҳам шайлангани алоҳида эътиборга моликдир. Улар ўз она макониди қад ростлаётган янги тураржой объектлари, маҳалла гузарлариқ маиший ва савдо шохобчалари қурилишида фаол иштирок этишдан ниҳоятда мамнун.



Сардор БЕКЖОНОВ

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Мирзачўл туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига 470 нафардан зиёд вақтинча ишсиз тенгдошимиз жалб этилди. Улар Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ташаббусига кўра тузилган йигирмата “Фидойи ёшлар” отряди сафида жавлон уриб меҳнат қилмоқда.



Тумanning турли манзиллари-га тақсимланган фидойи ёшлар айна вақтда арзон уй-жойлар деворларини кўтариш билан банд. Шу билан бирга, ҳашарчилар Ат-Термизий кўчасидаги айрим хонадонлар олдига ўзбошимчилик билан қурилган иншоотларни бузиб, йўл ёқаларини тартибга келтираётир. Асфальт ётқишиш ишларига ҳам қарашмоқда. Бундай хайрихоҳлик эртамиз эгаларининг қалбида Ватанга садоқат ва жўмаралиқ туйғуларини кучайтиришга хизмат қилса, ажаб эмас.

## FOTOFAKT

Малик СИНДОРОВ



# ЮКСАЛАВЕР, ОНА ЮРТИМ ФАВВОРАСИ!

1 май куни республикаимиз бўйлаб фавворалар сайилари ўтказилди



Самарқанда ҳам бу воқелик кўтаринки руҳда қарши олинди. Кўксарой ва Театр майдонлари, Амир Темур номидидаги ва Университет хиёбонлари, Ислам Каримов ҳайкали ўрнатилган майдон, “Шоирлар боғи”, Самарқанд темир йўл вокзали, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкаллари олдиди фавворалар атрофи одамлар билан гавжум бўлди. Ҳар қайси манзила концерт дастурлари ва театрлаштирилган томошалар намойиш этилди. Турли

викторина, танлов ва беллашувлар ташки қилинди. Кўҳна кенда жами 35 та фаввора мавжуд. Улар ўзининг жозибаси, бетакрор конструкцияси билан шаҳар аҳли ва меҳмонлар эътиборини жалб этмоқда. Деярли барчаси оқшом пайтида турфа рангларда товланиб, кўзни қамаштирса, иккитаси сокин мусиқа садолари билан қалбни яйратади.

## TASHABBUS

# КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

Абдужалил АБДИРАҲИМОВ



Ёшлар иттифоқининг Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан Қўрғонтепа туманидаги “Мурувват” ногирон болалар интернат уйида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” хайрия тадбирини ўтказди. Тарбияланувчилар учун маданий дастур намойиш этилиб, викторина ўйинлари ташки қилинди. Шу билан бирга, болаларнинг орзу-истаклари, қизиқишлари ўрганилди. Яқунда эса, эсдалик совғалар улашилди.

# НИҲОЯТ ГУВОҲНОМАЛИ БЎЛДИ

Зилола АБДУЛЛАЕВА



Сирдарёлик Муҳайё Зокирова бир неча йилдан буюн Оҳангарон туманида яшайди. Турт нафар ўғли бор. Лекин шу чоққача биронтасига ҳам туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олинмаганди.

Она хат-ҳужжатлар билан кўп ҳаракат қилди. Лекин доимий рўйхатда турган манзили узок. Бориб-келишга шароит кўтармайдди. Бу ёқда рўзгор ташвиши. Хуллас, турли сабаблар тўғрисида аёл ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганди. Охири Ёшлар иттифоқининг туман кенгашига мурожаат қилиб, ёрдам сўради. Куни кеча Иттифоқ мутасаддилари ва ФХДБ бўлими ходимлари М.Зокированын хонадонига бориб, уч нафар фарзанди — Собир, Азиз ва Акбарга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ни топширди. Катта ўғил Фарҳоджонга эса, шахсни тасдиқловчи ҳужжат амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд қароридан сўнг берилиши тушунтирилди.

## MULOHAZA

# КИТОБ ТАРБИЯДАГИ БЎШЛИҚНИ ТЎЛДИРАДИ

Шоира ШАМС

Ота уйимиз қишлоқдаги мўъжазгина кутубхона яқинида жойлашган эди. Ўйлаб қарасам, болалигимнинг энг ширин хотиралари ўша маскан билан боғлиқ. У деворлари эскирган кичик ҳужрада жойлашганди. Китобларга тўла шу хона барчамиз учун мўъжизалар маскани каби ғаройиб кўринар ва жуда қадрли эди.

Ҳали мактабга чиқмаган жингалакоч сингилчам билан кўнора кутубхонага қатнардик. Баъзан эрталаб, баъзида эса, туш вақтида кўримсиз эшикнинг очилишини кўтиб турардик. Кутубхоначи опамиз кўриниши билан, югуриб бориб қўлларидан ушлаб олардик. У китобларни қабул қилиб олар экан: “Қани, гапириб берингла-чи, нималарни ўқидингиз?” — деб сўроққа тутарди. Одатда китоблар бир ҳафтадан кам муддатга берилмас, аммо мен икки кундаёқ ўқиб бўлиб, яна янгисини олишга ошиқардим. Кутубхоначимиз эса: “Бундай қилиш мумкинмас, китобни айтилган вақтда келтир”, — деб баъзида танбех берарди. Ўша кезде кўнглим қанчалар оғригани ҳақон эсимда. Аммо у кишининг кўнглини топиш осон эди. Битта эртак ёки шеш ўқиб берсак бас, янги китоб олиш бахтига муяссар бўлардик.

Аммо хурсандчилигимиз узокқа чўзимлади. Бир-икки йилдан сўнг эски бино бузилиб, кутубхона бошқа жойга кўчирилди. Олислик қилгани учун у ерга кўп боролмасдик. Шунга қарамай, китобга меҳр бир умрга сақлаиб қолган. Бугун ёшлар орасида китобга муносабат анча ўсди. Китобни қадрлаш, кутубхонага

аъзо бўлиш, оилавий кутубхона ташкил этиш анъаналари қайта жонланди. Бироқ яқин ўн йиллар ичида қишлоқда бирон тузукроқ кутубхона қурганими эслай олмаيمان. Борлари коллелар биносидида жойлашган. Болажонлар анча йўл юриши керак. Мактаб кутубхоналаридаги китоблар сони эса, унча ҳам кўп эмас. Айниқса, болалар адабиётлари танқис.

Кишини қувонтирадиган жиҳатлар ҳам бор. Масалан, шахсан ўзим кўчма китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилганидан мамнунман. Таълим даргоҳларида китоб ярмаркалари ҳам тез-тез ўтказиб турилибди. Аммо сотувга қўйилган адабиётларнинг нархи кишини ўялантириб қўяди. Ҳажмадор, расм ва безакли китоблар, шешрий тўпламлар даромади оз оилалар учун қимматлик қилади. Муаммонинг ечимини кутубхоналарни қўпайтиришда, деб биламан. Ҳар бир маҳаллада биттадан янги кутубхона ташкил этиш айна мудадо. Аминманки, бундай масканлар ҳеч қачон бўш қолмайди. Фақат улар янги адабиётлар билан мунтазам бойитиб борилса, бас. Бу йўлда болалар ва ёшлар ташкилотлари, наشريётлар, таълим муассасалари жонбозлик кўрсатгани маъқул. Чунки китоб тарбиядаги бўшлиқни тўлдиради.

## SENING TENGDOSHING

# ЕТАКЧИ БОШ-ҚОШ

Зулхумор ЮНУСОВА,  
Яшнобод туманидаги 215-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Мозийга қайтиб иш кўрмак хайрлидур. Бу ҳикмат бежиз айтилмаган. Фарзандларимиз баркамол бўлиб вояга етиши учун тарихни чуқур ўрганмоғи даркор. Борди-ю, улар болаликдан ажодлар хотирасига ҳурмат кўрсатиш, катталарни эъзозлашга одатланмаса, келажакда пана ейиши турган гап.

Мактабимизда шундай анъана бор: ўқувчилар ён-атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган фахрийлар, нафақадаги устозлар ҳолидан мунтазам равишда хабар олади. Бундай хайрли ишларга Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси Абдужалил Омонов ҳаммиша бош-қош. Кўни кеча унинг ташаббуси

билан “Қўйлиқ ота” қабристонидида ҳашар уюштирилди. Болалар атрофни ўтлардан тозалаб, гул ва дарахт кўчатларини экди. Шунингдек, “Кексалар ҳолидан хабар олайлик” акцияси доирасида ўқувчилар фахрийлар хонадонига кириб, уй юмушларига қарашди. Дилдан сўхбатлашиб, уруш йиллари хотираларига қўлоқ тутди.

# 10 МИЛЛИОН СЎМ

қуёнларни кўпайтиришга сарфланади



Элдор НАВРЎЗОВ

Янгиобод туманининг “Баландчақир” маҳалласида яшовчи Жаҳонгир Маммиржонов коллежни тамомлаб, қуёнчилиқни касб қилди. Ҳозир 50 бош жониворни хонадониди парвариллаб, рўзгор кам-кўстига қарашмоқда. Яқинда Ёшлар иттифоқи туман кенгаши масъул ходимлари унинг хонадониди бўлиб, фаолияти билан

яқиндан танишди. Муаммо ва истаклариға қўлоқ тутди. Жаҳонгир қуёнларнинг сони ва наслини кўпайтириш ниятида. Лекин бунинг учун сармояси етарли эмас. Қолаверса, алоҳида жой қилишга ҳам имкони йўқ. Иттифоқ вакиллари бу борада ёрдам таклиф қилди. Энди тенгдошимиз тижорат банкидан имтиёзли шарт асосида 10 миллион сўм миқдориди кредит олиб, фаолиятини кенгайтириши мумкин. Ёшлар иттифоқи бу йўлда унга ҳақиқий кўмак беришга ҳам тайёр.

BUGUNNING GAPI

«ЗАМОНАВИЙ» НИЛУФАРЛАР

Институт оstonасига илк қадам қўйган кунни танишган, турли ҳуудлардан келган йигит-қизларнинг баъзилари вақт ўтиб узғариб қолади. Уларнинг кийиниши ва сўзлашуви, ҳатто салом-алиғидаги калондимогликни сезиб, жаҳлингиз чиқиши тайин. Ҳазилни унутиб, ўзга "дуна"ларга "учиб кетгани"га ачинасан, киши.



"СОЧИМ ХАЛАҚИТ БЕРДИ"

Нилуфар — қишлоқдошим. Шаҳарга келганида сочи соланиб, тақимини ўпарди. Кўрганларнинг ҳаваси келарди. Орадан бироз вақт ўтиб, Талабалар кунини нишонлайдиган бўлди. Шаҳримиздаги маданият саройида ўтказилган тадбирга Нилуфар бироз кечикиб келди.

Уни кўриб ҳайратдан донг қотдик. Узун сочларидан асар ҳам йўқ. Қалта қилиб кесилгани етмаганидек, аллабало қилиб турмакдиган. Пардоз-андозини айтмайсизми. Хуллас, гашимиз келди. Сабабини сўрасак: "Дарс қилишга

сочим халақит берди", — деб қўя қолди.

"ДАЙДИ ДИЛЛАР"

Кунлар исини билан шаҳримизнинг сўлим гушларини маданият дам олиш

масканларида ҳаёлий саробга талпинган "дайди диллар" қўпайиб қолади. "Севги ўйинлари"га берилиб кетган ёшларнинг беандишалигидан одамлар уялиб ўтади. Беихтиёр ёқа ушлайсан, киши. Эсиз, оёқости бўлган ор-номус, ифбат, иббо ва гурур! Бугун ўзига бино қўйиб олган қанчадан-қанча қизлару, ҳирс йўлида оввораю сарсон йигитларни кўриб: "Саққайи одам кет-э!" — дегинг келади.

"У ОНАМ ЭМАС, ҚУШНИМИЗ!"

Дарсимиз ҳар галгидан эрта тугади. Нилуфар негадир безовта. Институт дарвозасидан чиқар эканмиз, қуёш тафтидан қўйлагининг ранги ўчган, рўмоли ҳам бироз эскирган, оёғидаги шиппаги

титилган қўшнимиз Робия холага кўзим тушди. Ҳазимизнинг сода қишлоқ аёли. Хола бизни кўрди-ю, ҳол-аҳвол сураша кетди. "Қизимнинг дугоналаримисиз? Мен Нилуфарнинг онасиман. Контрагини тўлагандим. Шунинг қозонини бериб кетай дедим. Уйга боринглари! Патир, сомса пишириб бераман".

Ўзига ухшаш "замонавий" қизлар билан орқароқда, келаятган Нилуфар онасини кўриб, хижолат бўлиб кетди. Юзлари олмадек қизарди. Эътибор бермасликка ҳаракат қилдик, аммо ҳар ким ўзича хулоса чиқараётгани аниқ эди.

Эртаси кунни ҳар доимгидан-да "очиқ-сочиқ" кетган Нилуфар: "Эй қизлар, кечаги аёл онам эмас, қўшнимиз эди", — деб изоҳ берди...

"YOSHLAR OVOZI" TAQVIMI

1 МАЙдан Алишер

Навий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида "Palette of Ballet" 1 Халқаро балет санъати фестивали бошланди. Унда юртимиз санъаткорлари баробарида, Исроил, Россия, Швейцария, Туркиядаги машҳур балет труппалари ҳам иштирок этмоқда.

Ҳар кун мобайнида театр сахнасида жаҳон классикаларининг бебаҳо асарлари ижро этилади. Дастуран Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаларининг ҳисобот концерти ҳам ўрин олган.



6 МАЙга қаар пойтахтимизда "Шарқ атиргули" болалар ва ёшлар фестивали бўлиб ўтади. Лойиҳага кеча старт берилди. У Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан амалга оширилиб, вокал ва рақс йўналишларини ўз ичига қамраб олган. Танловда 4 ёшдан 28 ёшгача бўлган истеъод соҳиблари, жумладан, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар вакиллари маҳорат бобида беллашмоқда.



YOSHLIK ILHOMI

АРЖУМАНДБЕГИМ

АЗИЯТ

Кўчада икки аёл кетяпти. Ёшроғи баланд пошнада юрولмай, азият чекаётган бўлса, юзини ажин бошган онахон йиртиқ қалиши орасига кирган тош сабаб оқсоқланиб қадам босарди.

ТАҚИРЛИК

Ҳаммаси беҳосдан узилган бир толаннинг ўйловидан бошланганди...

ҚАРОР

Анҳор бўйида уч дўст суҳбатлашиб ўтирарди. Шу пайт кўприк устида бир қиз қуринди-ю, зум ўтмай ўзини сувга отди. — Вой, ана уни қаранглари! Нима қилиб қўйдилар?! Ердан бериш керак! — Эсинг жойидами?! Бир жонидан тўйган аҳмоқни деб милицияма-милиция юрмоқчимисан? Ундан кўра бу ердан тезроқ кетиш керак. Бу вақтда эса, учинчи йигит чўкаётган қизни қирғоқ томон тортиб келарди.



ОДАТ

Муҳаммадхон ЮСУПОВ, Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

— Бугун учрашишимизни билмаганим, йўқса китобингни олиб келардим. — Зарари йўқ, эртага берасан. Уйда нима ҳам қилардим, сизларни кўриб, бироз кўнглимни ёзаман дегандим-да. Орага бироз жимлик чўқди. Дугоналар дарвоза ақинига етиб, тўхтади. — Агар истасанг, бугун кечқурун уйга кел, бирга кечки овқат қиламиз. Ойим ҳам хурсанд бўлади. Бизникида қолсанг, эртага ўқишга бирга кетардик. Қиз дуғонасига маънос қаради: — Иложим йўқ. Бугун дадам ресторанга олиб бормоқчи эди. Бошқа сафар, майлими... — Майли, ихтиеринг,

нима десанг шу. Нигоҳи ғамгин қиз бош чайқайди-ю, эшикка қараб юрди. Дугонаси бироз турди-да, орқасидан кучиб олди ва секин шивирлади: — Мен ондан айрилиш нимагини тасаввур қилолмайман, аммо сенга қанчалик оғирлигини билиб турибман. Дугонажоним, бардам бўл, биз, яқинларинг ҳаммиса ёнингдамиз... Остонада қолган қиз кўз ёшларини тез-тез артиди-да, ичкарига кирди. Одатни буйича сумкасини хонасига улоқтириб: — Ойи, мен келдим, — деб ювиниш хонасига кириб кетди. Табиийки, садо чиқмади. Кўп ўтмай, сукунатни йиғи овози бўзди...

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Бир ташкилотда ишлаб туриб икки-уч кишининг вазифасини бажарсам, шунга яраша маош олишга ҳаққим борми?



Жавлон ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳри

Саволга ҳуқуқшунос Бекзод МУСАЕВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги қарори билан

тасдиқланган "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ, барча турдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда

жисмоний шахсларнинг бир неча касб ёки лавозимда ишлашига рухсат берилади.

Иш вақти давомида қўшимча ишларни бажарётган ходимларга ҳақ тўлаш миқдори, агар жамоавий шартномада ёхуд ходимларнинг муайян вақиллик органи (масалан, касба уюшма кўмитаси) билан келишган ҳолда қабул қилинган бошқа ички ҳужжатда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишуви асосида белгиланади.

Демак, сиз бир неча касб ёки лавозимда ишлабгина қолмай, иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасида бунинг учун қўшимча ҳақ миқдорини белгилашни талаб қилишингиз ҳам мумкин.

(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

SIZ NIMA DEYSIZ?

МУҲИМИ ҚАЛБ ТАРБИЯСИ

Дилшоабек РАҲМАТУЛЛАЕВ, Яқкабоғ тумани

Дарсга шошяпман, йўловчи машина тўхтаганим. Орқа ўринида чамаси ўн яшар бола деразадан ҳаёлчан қараб кетарди. Салом-алайҳан сўнг қаерга кетаётгани билан қизиқдим.

Сайёдбек мусиқа ва санъат мактабида ўқийди. Гап-сузларидан билдимки, у дарслардан

сираниқмайди. Сабоби ўқитувчиси нуноқ. Бир гал туйга чиқса, бошқа сафар дарс ўтиши кераклиги ҳаёлидан кўтарилиб, мактабга келмас экан. Аммо боланинг сир бой бергани келмайди. Сабоби отаси мусиқа билан шуғулланиш эркак кишининг иши эмас, деб айтган. Агар бор гапни уйдагиларига маълум қилса, мактабга жўнатмасликлари аниқ...

Сўхбатдошим мендан олдин тушиб қолди. Вазмин қадамларига қараб, ўйга толдим: қизик, эркакка хос иш қандай бўларкан?! Кўп йигитларни биламан, китоб ўқитган ёки бирон мусиқа асбобини завқ билан чалаётган дўстларини калака қилади. Улар учун ҳаёт фақат модалитдан иборат. Истардимки, эр киши, аввало, қалбини тарбияласин. Бунга эса, адабиёт ва санъат воситасида эришиш мумкин.

MENING FIKRIM

ЭЗГУЛИКНИНГ КАЛИТИ

Вазира МАРДИЕВА, ўқувчи

Бугун иштиёқ билан таълим олаётган ёшлар кўп. Аммо гуруч қурмакисиз бўлмаганидек, баъзи тенгдошларим дарсга келишни, ўқув юртининг ички тартиб-қоиасига амал қилишни хоҳламайди. Улар устозини ҳам бир пулга олмай, қўпол муомала қилиб, гап қайтарарди.

Бу каби ҳолатларга дуч келганда сабабини тафтиш қилишга уринаман. Ҳазимча мулоҳаза юритаман. Қуш уясида кўрганини қилади, деган

мақол ёдимга тушади. Демак, ўзидан катталарни беҳурмат қилаётган ёшларга оилада тўғри тарбия берилмаган. Шу боис улар қаерда ва қимдан

таълим олишидан қатъи назар, тарбиядаги нуноқлик барибир ўз ишини қилаверади.


Тўғри, ҳеч бир ота-она фарзандим ахлоқсиз бўлсин демайди. Лекин лоқайдликнинг охири вой эканини яхши англаб олмоғимиз даркор. Ҳазимча, тарбия билан боғлиқ кўпгина муаммолар имсизлик, китоб ўқимасликдан келиб чиқади. Ахир, китоб беминнат дўстимиз. У сабаб маънавий юксалтириш, дунёқарашимиз кенгайди. Ёлди туйайлик: илму маърифатгина бизни жаҳолат ва ёвузликдан асраши мумкин. Эзгуликнинг қалити ҳам шу!

6 МАЙда "Анҳор – Локомотив" истироҳат боғида

ретро автомобиллар кўргазмаси бўлиб ўтади. Ноёб экспозицияда кампада олтиш йил муқаддам ишлаб чиқарилган транспорт воситалари намойиш этилади. Қўшни республикалардан ҳам меҳмонлар таклиф қилинган.

8 ҳамда 11 МАЙ

кунлари Ўзбекистон давлат санъат музейида атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳамда қозоқ шоири Абай Қўнонбоев ижодига бағишланган адабий кечалар бўлиб ўтади.



16 МАЙ кунини "Ўзбекистон"

халқаро форумлар саройида Чарли Чаплиннинг "Катта шаҳар чироқлари" (1931 й.) деб номланган фильми намойиш этилади. Овозсиз кинолентани таниқли дирижёр Владимир Спиваков раҳбарлигидаги Россия миллий филармоник оркестри ижросидаги куйлар ҳамоналигида томоша қилиш мумкин.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.



МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинин — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Рўзиев Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Ухтамжонович  
Навбатчи  
Жавлон Вафоев

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни қўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буортма Ғ-536  
Адади — 21976  
Боснига топириш вақти — 21.00  
Тоширилди — 02.10  
ЎЗА жўзи — 01.30  
Офсет усулида босилган.